Куч — адолатда

# Адолат

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 7 ноябрь

№ 44-45 (435-436)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ

**Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармонидан сўнг Вазирлар Маҳкамаси шу ҳақда кенг қамровли қарор қабул қилганига ҳам бир йил бўлди. Республика жамғармаси ташкил этилиб, унга ҳомийлик масаласи ҳал этилди.**

Айни пайтда вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида жамғармамизнинг бош мутахассис-вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Асосий вазифамиз — икки йўналишдан иборат. Биринчиси, 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларни спортга кенг жалб этиш, қўшимча тўгараклар ташкил қилиш, болаларда спортга меҳр уйғотиш, уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги, соғлом турмуш тарзини яратиш учун курашиш. Иккинчи вазифа — шаҳар ва туманларнинг аҳоли зич худудларида замон талаблари даражасидаги спорт иншоотларини қуриш, болаларни спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратишдан иборатдир.

Ўтган қисқа фурсатда вилоятимизда бу соҳада амалга оширилган энг катта иш — улкан “ Соғлом авлод” ўйингоҳининг ҳомийлик йўли билан қурилиши ва уни жамғармамиз тасарруфига топширилиши бўлди. Бугун мазкур ўйингоҳда вилоятимиз маркази, Олтинкўл, Избоскан, Андижон туманларининг 600 дан зиёд ёшлари спортнинг 10 тури бўйича машғулотлар ўтказмоқда.

Умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлардаги спорт иншоотлари тўла таъмирлана бошланди. Избоскан ва Бўздаги иншоотларни ҳомийлар ёрдамида қайта реконструкция қилмоқдамиз.

Маълумки, умутаълим мактабларида спорт жиҳозлари ва анжомлари етишмайди. Галдаги вазифамиз мактабларда қўшимча ташкил этилган тўгаракларимизни спорт жиҳозлари, буюмлари билан таъминлашдир. Спорт иншоотларини талаб даражасига келтириш, уларга малакали мутахассисларни жалб этиш ҳам келаси йилги асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Хуллас, мақсад Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган вазифаларни изчил бажара бориб, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**Камолиддин ҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилояти филиалининг директори.**



**Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида пахта йиғим терими сафарбарлик асосида олиб борилмоқда. Ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб қайта ишлашда эса Жума пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари ғайрат кўрсатишмоқда. Мавсумда 38 минг тонна хом ашёни саранжомлаб олишни мўлжаллаган жамоа тайёрлаётган тола сифати ҳам, салмоғи ҳам кўнгилдагидай бўлмоқда.**

*Суратда: заводнинг тола цехи бригадири Комил Имомов ва оператор Мавлон Казаков.*

**Зоҳир Тўрақулов олган сурат.**

● **Партиямиз фидойилари**

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

**Турсунхўжа ака билан хирмонда учрашдик. Одатдаги иш кунини бошлаган раис янги режалар билан мутахассисларини таништириб бўлгач уларга аниқ ва лўнда топшириқларни бердида бизга юзланди:**

— Ҳар бир иш кунимиз шундай бошланади. Ҳар ким ўз ўрнида ўз ишига жавоб беришга одатланган. Ахир қатъий тартиб-қоида, мустаҳкам интизом бўлмаган жойда бирор ютуққа эришиб бўладими?

Шоличиликда ўзига хос мактаб яратган, кўп йиллардан буён Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигини моҳирона бошқариб келаётган ишчан раҳбар Турсунхўжа ака Искандаровни бугун билмайдиганлар кам. У ўзининг кўп йиллик ҳалол меҳнати, бой иш тажрибаси, билим ва маҳорати билан шундай эъзозу эҳтиромга сазовор бўлган. Раиснинг ўз юмушларидан ортиб бажараётган яна бир масъул вазифаси бор: Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ташкил этилганидан буён унга биринчилар қатори аъзо бўлиб, ўзи фаолият кўрсатаётган туманнинг партия Кенгашини ҳам бошқармоқда. Биринчи котиб сифатида партиянинг нуфузи, обрў-эътибори учун курашиб, халқ орасига кенгроқ кириб бориш учун куч-ғайратини сарфлаяпти. Партия сафларини фидойи, ишчан аъзолар ҳисобига кенгайтириш, сифатини ошириш, бошланғич ташкилотларни кўпайтириш борасида қизғин ишлар олиб борилмоқда.

— Нияти покнинг йўли оқ, деганларича бор экан, — дейди Турсунхўжа ака Искандаров биз билан суҳбатда. — Халқимиз кўп йиллар мустақилликка эришишни орзу қилган эди, мана муддаога ҳам етишдик. 12 йилдирки ҳеч кимга тобе эмасмиз. Юксалишларимиздан кўнгил яйрайди. Ўзгаришлар ҳам шунга монанд кўзни қувонтиради. Бирини таъкидласанг бошқаси ундан кам эмас. Энг муҳими одамларнинг ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотларнинг одамлар учун хизмат қилаётгани. Юртбошимиз эътироф этганларидек, биз ҳозир ҳеч кимдан кам эмасмиз. Энг асосийси халқимиз руҳининг тетиклиги, эртанги истиқболга ишончнинг бутунлиги. Халқимиз вақтинча кўндаланг бўлган айрим қийинчиликларни енгиб ўтди. Эндиликда ҳамма мустақиллик берган эркин яшаш, ишлаш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўрин эгаллайди. Юрт истиқболи қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлиги, шу соҳа тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Шунингдек, “Ер кодекси”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниб, бу соҳада иш юритишнинг юридик асослари яратилди. Бугунги кунда шу асосда янги иш услубларини жорий қилиш ва ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар қилинаяпти. Буни ўз жамоамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда шолидан муттасил мўл-ҳосил етиштириб, катта фойда кўраяпмиз. Бу йил ҳам шундай бўлаяпти. 2462 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнердан ошириб хирмон кўтаришни кўзлаяпмиз. Шоли нест-нобуд қилинмай йиғиштириб олинаяпти. Ҳадемай зафар маррасини эгаллаб, ялпи хирмонни 11 минг тоннадан оширамиз.

Йил яхши келди. Буғдойдан юқори ҳосил етиштирдик. Вилоятимизда биринчи бўлиб тўрт иш кунида бу борадаги режани 119 фоизга бажардик. Бу ниманинг шарофати? Албатта мустақилликнинг. Қолаверса, техника воситаларидан самарали фойдаланаётганимиздан. Халқимизда «техника деҳқон қаноти» деган гап бор. Ҳақ гап. Ўз ишида янги, унумли техникадан фойдаланганнинг иши баракали, меҳнати завқли бўлиб бораверади. Биз шуни назарда тутиб шоли ва буғдойни экишдан тортиб, то уни ўриб-янчиб олишгача бўлган барча агротехник тадбирларни машина-механизмлар зиммасига юклашга катта эътибор беряпмиз. Техника паркини янги, серунум агрегатлар, тракторлар билан тўлдириб бормоқдамиз. Шу сабабли бизда ҳозир техникадан ҳеч қандай муаммо йўқ. Ундаги 6 та замонавий “Кейс” комбайни, ҳар бири 30 тадан Т—28 ва Т— 134 русумли трактор, 2 та “Магнум” сингари тракторимиз ва автотранспортларимиз шоликорлар ва ғаллакорлар оғирини енгил қилиш билан бир қаторда қўшни хўжалик деҳқонларининг ҳам корига ярамоқда. Куни кеча Олмониядан 500 миллион сўмга 3 та “Класс” русумли серунум чопиқ тракторларини олиб келдик. Уларнинг ҳаммаси ишимизни енгиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”, соҳанинг жонкуяри Турсунхўжа Искандаровнинг жамоасида эришилаётган қувончли натижалар ҳақида ҳар қанча гапириш мумкин. Аммо бу ютуқларнинг асоси нимада? Шу қизиқиш билан 30 йилдан буён хўжаликда фидокорона меҳнат қилиб келаётган бош иқтисодчи Карим ака Аюповни суҳбатга тортдик.

— Ҳамжиҳатликда, ҳар кимнинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётганида, моддий манфаатдорликнинг тўла қарор топганида, — дейди у.

Зеро, бу бор гап. Аҳиллик бор жойда қут-барака бўлади. Рустам Акбаров, Валерий Кхай, Петр Ким, Абдувоҳид Норбўтаев каби ўнлаб пудратчиларнинг эса жамоа ютуқларига қўшаётган улушлари беқиёс. Маъмурият ширкат аъзолари ва қишлоқ кишиларининг турмуш даражасини яхшилаш, маҳаллалар ободлиги, эл фаровонлиги йўлида ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқда. Қишлоқдаги мактаблар ва болалар боғчаларига ҳомийлик қилаяпти. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийларга меҳр-мурувват, хайр-саховат кўрсатаяпти. Бу ишларнинг ортида эса ишчан жамоанинг фидокорона меҳнати турганлиги ҳис этилганда ҳамма нарса ойдинлашади.

Элни эъзозлаганни — эл эъзозлайди. Турсунхўжа ака Искандаров ҳам шундай: эл эъзозига мушарраф бўлган. У эндиликда иш юзасидан ўзи бир неча бор бўлган хориждаги Хитой, Олмония, Голландия, Чехословакия каби қатор давлатларнинг бой тажрибаларини соҳага татбиқ этишдек улкан ниятларни кўзламоқда, иқтисодиётимизнинг равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
“Адолат” мухбири.**

● **Ислоҳот ва самара**

## КАСБИДАН БАРАКА ТОПГАН

**Одатда болалар ҳаётда ўсиб улғаяр эканлар уларнинг толелари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахтли-саодатли бўладилар ёки гумроҳлик йўлига кириб, бахтсиз бўлиб қоладилар.**

**Хўш, болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? Бу саволга жавоб битта. Яъни агар бола ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса, бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.**

Абдулаҳад ҳам ўзини бахтли инсон ҳисоблайди. Чунки эл-юрт ўртасида эътибори баланд. Касбидан барака топгани учун ҳам турмуши яхши. Бунга эса отаси Маҳаммадали Калоновнинг панд-насиҳатлари, доно маслаҳатлари туфайли эришди.

Маҳаммадали ака ишчан, фидои, ҳалол покиза инсонлардан. Пешона тери билан ризқ-рўз топишни яхши кўради. Фарзандларига ҳам шуни ўргатган.

Лекин очиғини айтганда маслаҳат бериш, ақл ўргатиш осон. Аммо ўзи амал қилиш, намуна бўлиш қийин. Маҳаммадали ака эса ҳаёт сўқмоқларида пишган, тобланган, яхшини ёмондан ажрата оладиган, энг асосийси айтган сўзида турадиган меҳнаткаш, фидои инсон ҳисобланади.

— Болаларим, — дейди у кўпинча фарзандлари жам бўлганда. — Касбнинг ёмони йўқ. Аммо ёмон эгаллаганлар бор. Агар одам қандай юмушни бажармасин чин дилдан, ихлос билан адо этса, ўз ишидан завқланса, қандай касбда ишлашидан қатъий назар обрў эътибори ошаверади.

Отахоннинг сўзлари ҳақлигини эса унинг умр йўли кўрсатиб турибди. Маҳаммадали ака узоқ йиллар пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилди. Оддий ишчи, уста бўлиб ишлади. Чортоқ пахта тозалаш заводига тамал тоши қўйиб, уни ишга туширишгача бўлган жараёнларда фаол иштирок этди. Анча йиллар ушбу корхонада бош муҳандис бўлиб ишлади. Сўнгра Мингбулоқ туманидаги “Гулбоғ” пахта тозалаш заводига бошчилик қилди.

— Айни пайтда ушбу корхонага унинг ўғли Абдулаҳад Калонов раҳбарлик қилмоқда. Отасининг қанотида юрган пайтларидаёқ Абдулаҳад унинг касбини давом эттиришни кўнглига тугиб қўйганди. Шу туфайли амалдорнинг ўғлиман деб ўтирмай фаолиятини оддий ишчиликдан бошлади. Падари бузруквори насиҳатларига амал қилиб ҳалол, виждонан тер тўкди. Зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, кўнгилдагидек адо этди.

Аммо яхши мутахассис бўлиш учун яхши ишлашнинг ўзи камлик қилишини, билим, малака зарур бўлишини доимо қалбдан ҳис қиларди. Шу сабабли ҳам Наманган саноат технология институтига ўқишга кирди. Уни битиргач корхонада фаолиятини давом этирди. Касби инженер-механик бўлгани учун унумдор техникаларни ўрнатиш, янги технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилди.Унга ўйлаган режаларини амалга оширишда устози, корхона раҳбари Аҳмаджон Латипов катта кўмак берди.

Бундай қараса пахта тозалаш корхонасида ҳисоб-китобда бир мунча ноаниқликлар юз бермоқда. Хўжасизлик ҳоллари бўлиб турибди. У бу ҳақда бир неча бор раҳбарларга айтган эди ўзини бухгалтерликка тайинлашди. Натижада ҳисоб-китоб ишларида қатъий интизом йўлга қўйилди. Шу сабабли ҳам жамоа ишида унумдорлик ортиб, фойда салмоғи кўпайди. Бу ўз навбатида ишловчилар моддий манфаатдорлигининг юксалишига олиб келди.

Ишбилармон, ташкилотчи, ташаббускор Абдулаҳад Калоновни жамоа аъзолари яқинда “Гулбоғ” пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига раис қилиб сайлашди.

— Аслида амал ҳам юк, — дейди биз билан суҳбатда Абдулаҳад, — масалан, бир қоп унни елкасига ортиб қўйсангиз биров шартта кўтариб кетаверади. Бошқаси эса ётиб қолиши мумкин. Мен ҳам раҳбарликка номзодим қўйилганда аввалига роса ўйладим. Сўнг ўз кучим, қобилиятим, тажрибамга ишониб розилик бердим. Қолаверса, ёнимда шу соҳада суяги қотган отам, меҳрибон устозим Аҳмаджон Латипов бор.

Айни кунларда юртимизда пахта йиғим-терими якунловчи паллага кирди. Ҳаво айниб тез-тез ёмғир ёғяпти. Аммо ҳали пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми далаларда турибди. Уни тезроқ йиғиб-териб олиш учун катта-ю кичик далада. Чунки пахта халқ бойлиги. Унинг бирор мисқоли нобуд бўлмаслиги керак. Халқ фаровонлиги, Ватан равнақи пахтадан. Шу сабабли ҳам улкан хирмонни яратиш учун барча ерда бўлгани каби Мингбулоқ туманида ҳам пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш зўр уюшқоқлик билан давом эттирилаётир.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки бизнинг бойлигимиз хом ашёдан эмас, ундан олинган маҳсулотдан, яъни толадан. Агар қабул пунктлари, пахта тозалаш заводларига катта миқдорда, сифатли пахта хом ашёси келтирилган бўлсаю, уни ғарамлаш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилмаса, йил бўйи далада тер тўккан деҳқоннинг заҳматли меҳнатини йўққа чиқариб қўйиш мумкин.

Лекин масъулиятни ҳис этган, Ватан камоли, эл-юрт тараққиётига ўзини камарбаста айлаган фидокорлар борки, улар туфайли деҳқон елкасига офтоб тегмоқда, турмуши фаровон, ҳаёти завқли бўлаяпти. Улар яратаётган сифатли тола чет эллик ҳамкорларга тобора манзур бўлиб, буюртмачилар кўпайгандан кўпайиб бораяпти.

Биз корхона раҳбари Абдулаҳад Калонов билан цехларни айландик. Барча агрегатлар, машина механизмлар бир маромда ишлаб турибди. Иш жойлари озода, саранжом-саришта. Кеча-кундуз келиб турган пахталарнинг бир қисми бунтларга ғарамланаётган бўлса, бир қисми зудлик билан қайта ишланаётир.

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти одамларга уларнинг билими, маҳорати, ўз ишига садоқатига боғлиқ. Шу сабабли ҳам Абдулаҳад Калонов жамоа аъзоларининг ҳар бири билан бирдай муомала қилади. Яхши кунларида ҳам ёмон кунларида ҳам доимо бирга. Фақат ишчи-хизматчиларни ўйлайди. Уларнинг манфаати йўлида ҳаловатидан кечишга тайёр. Бу фидоилик ўз самарасини беряпти. Одамлар ўз иш жойида сидқидилдан, ҳалол, виждонан тер тўкмоқда. Натижада иш унумдорлиги ҳам, жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам юқори бўлмоқда.

Айни пайтгача “Гулбоғ” пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида 28 минг тоннага яқин пахта тайёрланди. Хом ашё яхши сақланаётганлиги, барча технологик қоидаларга мувофиқ қайта ишланаётганлиги туфайли тола чиқиши 32,7 фоизга тўғри келмоқда. Пахта тозаловчилар иш маромини сусайтирмаган ҳолда фақат юқори навли тола ажратиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

“Гулбоғ”лик пахта тозаловчилар ишлаб чиқарган тола фақат сифатли бўлгани учун чет эллик мижозлар уни суйиб харид қилмоқдалар.

Халқимизда "меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлар чиройлик" деган гап бор. Ушбу нақлга амал қилаётган "Гулбоғ" пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳалол меҳнат қилиб, катта даромад кўрмоқда. Унинг бир қисмини ишлаб чиқаришни юксалтиришга, яъни унумли техника ва технологияларни жорий этишга сарфламоқда. Шу сабабли ҳам корхонада меҳнат қилиш завқли ва даромадли бўлиб боряпти.

**Каримжон РИХСИЕВ,
“Адолат” мухбири.**

## ДУНЁ ТАЖРИБАСИ: СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

**Демократик сайловлар ҳозирги даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бирига айланди. БМТ Бош Ассамблеясининг “Инсон ҳуқуқларининг умумий Декларацияси”да шундай дейилади: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқ иродаси ҳукуматнинг ҳокимияти асоси бўлиши керак: бу ирода ёпиқ овоз бериш ёки овоз бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятли кўринишлардаги умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиши керак”.**

**XX асрга келиб демократик сайловларни сиёсий партияларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Чунки, сиёсий партиялар сайловларни халқчил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлайдиган бирдан-бир сиёсий куч сифатида намоён бўла бошлади. Ҳозирги давр ғарб сиёсатшунослик фани сиёсий партияни ифодалаш мақсадида унинг қуйидаги белги ва функцияларини келтиради: “Сиёсий партия — (1) расмий ва ташкилий тузилмага эга, (2) ҳокимият устидан расмий назоратни амалга ошириш учун курашнинг махсус функциясини амалга оширувчи, (3) мафкуравий докторина белгиси асосида бирлашган, умуммиллий манфаатларни ифодалашга даъвогарлик қилувчи, (4) ҳуқуқий мақомга эга бўлган ва (5) сайлов жараёнларига уйғунлашган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир”.**

Ҳозирги даврда сиёсий партияларнинг демократик сайловларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги функциялари шаклланди:

— сиёсий партиялар алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтаради, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларни уларнинг ҳаммаси учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлайди. Партияларнинг бу функциялари кўпроқ сайлов кампаниялари даврида яққолроқ сезилади;

— ҳар бир фуқаро ўзини ким бошқариши ёки идора этишига бефарқ эмас. Шунинг учун ҳам демократиянинг муҳим ва асосий мезонларидан бири фуқароларга ўзлари устидан кимлар бошқаришини олдиндан танлай олиш имкониятининг яратилишидир. Партия фуқаролар хоҳиш-иродаси ва танлови асосидаги ҳокимиятни сайловлар воситасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий воситасидир;

— партиялар турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарувчи кадрлар тизимини легитимлаштириш, шунингдек, уни фуқаролар томонидан тан олдириш ва эътироф этилишини таъминлаш омилидир. Партиялар томонидан номзодлари кўрсатилган бошқарув кадрлари партия етакчилари ва ходимлари сифатидаги фаолиятларида халқ оммаси билан ишлай олиш тажрибасига эга, фуқароларнинг кундалик эҳтиёж ва истакларини англай оладиган, улар манфаатларини ифодалаш қобилиятини ўзлаштирган, фуқаролар ижобий баҳолашларига эришган фаоллардан иборат бўлганликлари учун ҳам гўёки “табиий” халқчил бошқарув малакаларига эгадирлар;

— партиялар жамиятнинг ўзлари қамраб олган ижтимоий-сиёсий кенгликларида фуқароларнинг сиёсий онги шаклланиши ва сиёсий маданияти юксалиши учун сиёсий кенгликлар ташкил қилувчи ташкилотдир. Партияларнинг бу соҳадаги фаолияти сайловлар даврида авж олади;

— партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари, турли даражадаги депутатлари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунингдек, партиявий фракциялари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, халқ оммасининг эътирофига эришиш мақсадларида парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга институтдир;

— партия ўз сиёсий мақсадларини “давлат иродаси” билан уйғунлаштира олувчи сиёсий кучдир. Сайловларда қайси партия ёки бир неча партиядан иборат блоклар ютиб чиқса, улар идора этувчи партия мақомига эришадилар. Натижада мазкур партия ёки партиялар блокида ўзларининг жамиятни ривожлантиришга доир дастурларини ёки унинг баъзи йўналишларини ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга татбиқ этиш имконияти туғилади ва унинг барча халқчил ғоялари “давлат иродаси” сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, маҳаллий партия ташкилотлари ўз бошланғич ташкилотларида яшаётган партия аъзолари, партияга хайрихоҳлар, сайловчилар сиёсий кайфиятини тезлик билан англаш қобилиятига эгадирлар. Ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида, ижтимоий табақаларни қайтадан гуруҳлашиш ва табақа бўлиб шаклланиш жараёнларида баъзан ўзгариб турадиган фуқаролар манфаатлари, эҳтиёжлари, истаклари маҳаллий партия ташкилотлари томонидан тезда илғаб олинади ва улар таҳлил этиш, умумлаштириш асосида партиянинг давлат органларидаги вакилларига етказиб турилади. Натижада давлат органларини ўз сиёсий йўналишларига тузатишлар, қўшимчалар киритиш жараёни табиий равишда кечади. Бошқача айтганда, сиёсий қарорлар қабул қилиш халқчиллик принципи асосида амалга оширилади. Шу билан бирга сиёсий партияларни сайловлар воситасида ҳукумат устидан легитим назорат қилишга интилувчи ташкилот сифатида ифодалаш мумкин.

Умумий категориялар доирасидаги кўппартиявийлик мавжуд бўлган давлатларда турли хил партиявий тизимларга амал қилинади. У ёки бу давлатда икки партиявийлик ёки кўппартиявийлик тизимига амал қилинади ва бу тизимнинг қайси бирига амал қилиш кўп ҳолатларда мазкур мамлакатда ҳукм суриб келаётган сайлов тартиботлари характерига боғлиқдир. “Ғалабага эришган ҳамма нарсани олади” принципига асосланган сиёсий тизимдаги сайловларда кўпроқ иккита партия устунликка эришиш тамойилларига эга бўлади. Энг кўп овоз тўплаган номзод мавжуд овозларнинг умумий сонидан қанча фоизини олишдан қатъий назар сайловларда ғалабага эришади. Сайловлар тизими бошқа принципларга асосланган мамлакатларда, масалан, пропорционал вакиллик (вакиллик органларидаги ўринлар олинган овозлар сонига пропорционал равишда бўлинадиган) мамлакатларда эса икки партиявийлик тизим камдан-кам учрайди.

Ғарбий Европа мамлакатларида турли-туман типдаги кўплаб партия ташкилотлари мавжуд бўлса-да, Буюк Британияда бу каби турли-туманликлар яхши ифодаланмаган. Шунингдек, кўп мамлакатларда баъзи партиялар диний асосларга таянади (Белгиядаги Социал-христиан партия ёки Католик халқ партияси каби); баъзи партиялар ўзига хос миллий ва тиллар гуруҳига хос этник характерга эгадирлар. (Масалан, Буюк Британиядаги Шотландия миллий партияси ёки Финляндиядаги Швед халқ партияси каби); кўп жойларда эса қишлоқ аҳолиси манфаатларини ифодаловчи қишлоқ партиялари кенг тарқалган (масалан, Швециядаги Марказий партия ёки Швейцариядаги Швейцар халқ партияси каби); турли атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи экологик партиялар ҳам мавжуд (масалан, Германиядаги Яшиллар партияси). Жаҳонда сиёсий қарашларнинг турли рангларини ифодаловчи яна кўплаб партияларни кузатиш мумкин.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатларидаги ҳукуматлар социалистик ва меҳнат партиялари томонидан шаклланди. Шунингдек, уларнинг барчасида турли хил кўламларга эга бўлган коммунистик партиялар ҳам фаолият юрита бошлади. Кўп жойларда эса консерватик партиялар (масалан, Франциядаги Республика партияси ёки Буюк Британиядаги консерватив ва юнионист партиялари) ва сўллар ҳамда ўнглар ўртасидаги “оралиқ” ўринни эгаллаган марказий (центристик) партиялар (масалан, Буюк Британиядаги социал-демократик ва либерал-демократик партиялар) муҳим ўрин тута бошлади.

Европа мамлакатларида, шунингдек, Япония, Ҳиндистон каби давлатларда сайловларда кўп овозларни олган ёки коалицияга бирлашган каттароқ партия йўлбошчиси мамлакатда тўғридан-тўғри олий расмий мансаб — бош вазир лавозимини эгаллайди. Баъзи бир мамлакатларда эса Президент партиявий сайловлардан мустақилроқ ҳолда сайланади (масалан, АҚШда). Лекин шу билан бирга, Ғарбий Европадаги сайлов тизимлари бир-бирларига унча ўхшамайди. Уларнинг кўпчилиги мураккаб тартиботларни ўз ичига олади. Бунга Германияни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу мамлакатда бундестаг (парламент) аъзолари ҳам пропорционал, ҳам можаритар ("ғалабага эришган ҳамма нарсани олади" принципи) сайлов тизимлари уйғунлашган бўлиб, бошқача айтганда мазкур давлатда аралаш сайлов тизимига амал қилинади. Бундестаг аъзоларининг ярми номзодлар сайланишини кўпчилик овоз олиш ҳал этадиган сайлов округларида сайланадилар. Парламентнинг қолган эллик фоиз аъзолари эса маълум минтақаларда партиявий рўйхат учун берилган овозлар натижаларига мувофиқ равишда аниқланадилар. Худди ана шу сайлов тизими кейинги даврда Яшиллар партиясига парламентдаги ўринларни эгаллашга имкон яратиб берди. Шу билан бирга, кўплаб майда партияларнинг парламентда бўлишига имкон яратмаслик учун беш фоизли барьер ҳам ўрнатилган бўлиб, фақат сайловчиларнинг камида беш фоиз овозларини олган партиягина парламентдаги ўз ўринларини эгаллашлари мумкин. Маҳаллий сайловларни ўтказиш учун ҳам ана шу каби сайлов тизимидан фойдаланилади.

Буюк Британиядаги икки партиявийлик тизимда парламент аъзолигига номзодлар одатда кўпроқ овоз олиш учун "ўрта" позицияларни эгаллашга ҳаракат қилиб, радикал қарашларни унчалик ўзларига муносиб деб билмайдлар. Бу каби икки партиявийлик тизим амал қилган мамлакатларда партиялар мўътадил имижга мойилроқ бўлиб, кўпинча икки партия ўртасидаги ўхшашликлар туфайли улардан бирини танлаш қийин кечади. Тамойилларга биноан манфаатлар турли- туманлиги ҳар бир партия томонидан ифода этилади, сиёсий дастурлар ўртасидаги фарқланишларни сезиш қийин кечиб, кўпинча сайловчилар қийин аҳволда қоладилар.

Кўппартиявийлик тизимидаги сайловлар турли хил қарашларнинг ва ҳар хил манфаатларни тўғридан-тўғри ва очиқ ифодалаш учун кенг имкониятлар очиб беради, радикал муқобилликларнинг мавжуд бўлишини таъминлайди. Бошқа томондан қараганда, бу каби тизимларда ҳеч қайси партия парламентда ёлғиз ўзининг номзодларини кўпчилик бўлишини таъминлай олмайди. Бу ҳолат эса коалация тузиш заруриятини келтириб чиқаради. Натижада турли партиялар ўртасида зиддиятлар мавжуд бўлганлиги учун ҳам янги ҳукуматларни шакллантириш қийин кечади. Бундай вазиятларда ҳукумат ҳокимиятда узоқ давр фаолият кўрсата олмаслиги натижасида унинг фаолиятини самарадорлиги анча чекланган бўлади.

Кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатларида асосий сиёсий манфаатларни ифодаловчилари сифатида социалистик, либерал ва консерватив партиялар фаолият юритадилар. Овоз бериш натижалари билан ижтимоий қатламларга бўлиниш ўртасида ёрқин ифодаланган боғланишлар мавжуд бўлади. Либерал партиялар ва сўл оқимдаги партиялар кўпроқ қуйи қатлам вакиллари овозларини олишга мойилроқ бўлсалар, консерватик ва ўнг оқимга мансуб партиялар ўзининг сайловчиларини аҳолининг бойроқ гуруҳлари ўртасидан излайдилар.

АҚШда йирик сўл партиялар бўлмаганлиги учун ҳам ундаги партиявий тизим ғарб давлатларидаги мавжуд сайлов тизимларидан анча катта фарқ қилади. Ғарб демократиясига нисбатан АҚШда ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодалаш асосидаги овоз беришлар камроқ ифодаланади. Демократик партия аҳолининг нисбатан қуйи ижтимоий қатламларини ўзига жалб этишга ҳаракат қилса-да, Республика партияси жамиятнинг бойроқ қатламларига таянса-да, уларнинг мазкур ижтимоий қатламлар ва гуруҳларга боғлиқлиги унчалик сезилмайди. Шу билан бирга бу партияларнинг ҳар бири ўзининг консерватик қанотларига ҳам эгадирлар. Бир партиянинг консерватик ёки либерал аъзоси маълум бир аниқ масала юзасидан ўз қарашига яқин бўлган бошқа партия вакилларига қўшилган ҳолда овоз берса, бу каби ҳолатларга ҳеч ким ажабланмайди.

АҚШ партияларининг ички партиявий тузилмалари кўпчилик йирик ғарб партияларига нисбатан анча кучсиздир. Одатда Европа партиялари ўз аъзоларини баҳсли масалаларда "партия линияси"ни ўтказиш учун ўзидаги барча имкониятларни ишга солган ҳолда курашади ва мустаҳкам партия ҳамкорлигига интилади.

Сайловлар тизимлари ўзларининг амал қилишидаги сайлов тартиботлари билан ҳам фарқланиб турадилар. Сайловлар тартиботлари, бу — дав-

(Давоми 2-бетда).

# ОҚҚЎРҒОН МАШЪАЛИ

**«Пахта — 2003»**







**Бугун "Қаҳрамон" ширкат хўжалиги пахтакорлари меҳнатнинг таги роҳат эканлигини чин дилдан туймоқдалар.**

Оққўрғон туманининг машъалига айланган бу жамоада кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларга эришилмоқда. Пилла, ғалла билан биргаликда пахтадан мўл-ҳосил олинаяпти. Бу йил ҳам шундай бўлди: чорвачиликни сердаромад соҳага айлантирган, пилла билан ғалла режасини қойиллатган ширкат хўжалиги азаматлари ғўза парваришига эътиборни кучайтириб, астойдил ишладилар. Қилинган фидокорона меҳнатлар ўз самарасини берди. Жамоа Оққўрғон туманида биринчи бўлиб маррага етиб келди. 742 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 26,6 центнердан ошириб, жами 1950 тонна "оқ олтин" йиғиштириб олинди. Режанинг биринчи теримдаёқ 22 иш кунида бажарилганлиги пахтакорларга ғайрат ва шижоат бағишлади. Умумий ҳосилнинг 700 тоннасини уруғлик пахта ташкил этди. Куни кеча эса миришкорлар режага қўшимча мажбуриятни ҳам уддалаб, мўлжалдагидан 400 тонна кўп пахта етказиб беришди. Теримда жамоа пахтакорлари билан биргаликда Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалигидан келган хашарчи-теримчилар жонбозлик кўрсатишди. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилди.

— Буларнинг ҳаммаси кенг кўламли ислоҳотларнинг шарофатидандир, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Саидкамол Баҳромов. — Ишлаган роҳатини кўрмоқда, барака топаяпти.

Ҳа, тажрибали раҳбар Саидкамол Баҳромовнинг айтганича бор. Ҳозирги давр — ишлаганники. "Қаҳрамон"нинг илдам одимлари бунинг ёрқин далилидир.

**Абдували МАМАЗИЯЕВ.**

***Суратларда: жамоа теримчилари ва хашарчилари туман хирмонининг салмоқли бўлиши учун терим суръатига суръат қўшишмоқда; хўжалик раҳбари Саидкамол Баҳромов йилнинг жамоа учун қутли-баракали келганлигидан мамнун.***

**К.РИХСИЕВ олган суратлар.**

**Во, ажаб!!!**

# УЧ МИНГ ТЎЛАБ ҚЎЙИНГ, У ЁҒИ БИЛАН ИШИМ ЙЎҚ

**дейди сиҳатгоҳми, меҳмонхонами, нималигини билиб бўлмайдиган ташкилот фарроши**

**Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, фуқароларнинг эркин ҳаракат қилишлари, тадбиркорлик билан шуғулланиб, юрт бойлигини ошириш баробарида ўзлари ҳам фаровон яшашларига кенг имкониятлар яратилди. Натижада юртимизда мулкдорлар синфи дунёга келди.**

Улар ҳалол меҳнат қилиб, мамлакитимизни иқтисодий жиҳатдан етук давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида бор маҳоратлари, билим, тажрибаларини ишга солмоқдалар. Бундай фидоий инсонлар ҳақида ҳар қанча яхши гаплар айтсак арзийди.

Аммо "шолининг ичида курмаги ҳам бўлади", деганларидек, Президентимиз ҳамда мамлакат ҳукумати томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга яратиб берилган ҳамда яратиб берилаётган имкониятлардан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунга мисол қилиб Қўқон шаҳридаги Бахтиёр Юлдошев бошлиқ "Юлинтер Медикал сервис" хусусий сиҳатгоҳи фаолиятини келтириш мумкин.

Зийрак газетхон: "ҳозир кўплаб сиҳатгоҳлар маблағ йўқлиги туфайли даволанувчилар ва дам олувчиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатмаётган бир пайтда қатор тадбиркорлар уларни хусусийлаштириб малакали тиббий ёрдам беряпти. Бахтиёр Юлдошев ҳам шу мақсадни кўзлаган бўлса дарров айб қидириш керакмас-да", дейиши мумкин.

Тўғри, яхши ният савобли нарса. Қани бу ерда ҳам шундай бўлса...Бироқ одамларнинг дуосини олиш, мамнун қилиш учун эзгу ниятнинг ўзи камлик қилар экан. Хусусан, хусусий сиҳатгоҳнинг бошлиғи мутахассис эмас. Яъни, шифокорликка алоқаси йўқ. Сиҳатгоҳга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензияда қайд этилишича, бу ерда беморлар физотерапия ёрдамида даволанишлари лозим.

Маълум бўлишича, Бахтиёр Юлдошев малакали даво усулларини йўлга қўйиб барака топиш ўрнига бинодан меҳмонхона сифатида фойдаланиб пул ишлаётган экан. Масалан, биз шу йил 30 октябрь куни Қўқон шаҳрида бўлдик. Ҳоким Абдуҳаким Ходжаев билан кечқурун соат тўққизларда учрашдик. Ўзаро суҳбатдан сўнг у бизга "Юлинтер медикал сервис" сиҳатгоҳига тегишли меҳмонхонада дам олиб кетишни таклиф қилди. Сиҳатгоҳга кеч соат ўндан ошганда бордик. Навбатчи бўлмиш Равшан деган йигит меҳмондўст экан, бир пастда бизларни жойлаштирди. Аммо ҳеч қандай ҳужжат сўрамади. Ҳисоб-китоб ҳам қилмади.

Хонада иккита сим тўрлари чўзилиб кетган кроват, икки яғир стул, шкаф ва тумбочка, эски палас бор холос. Радио, телефон, телевизор, холодильник йўқ. Иссиқ сув бўлмас экан. Совун, хожатхона қоғозини ўзингиз билан олиб келишингиз лозим эмиш. Ҳатто икки қарич келадиган сочиқни зўрға сўраб олдик.

Амаллаб бироз мизғидик-да, эрталаб соат тўртларда сахарликка нонушта қилмоқчи бўлиб энди дастурхон атрофига жам бўлган ҳам эдик, эшик тақиллаб қолди. Сўнг бир аёл кира солиб, салом-алик бир ёкда қолиб: "қани ҳужжатларингизни тез беринглар", деб тиқилинч қилиб қолса бўладими?!

— Шу пайтда сизга бизнинг ҳужжатимиз нима учун керак бўлиб қолди, — дея ажабланиб сўрадим мен.

— Пулини тўлаб қўйишингиз керак. Шунинг учун ҳужжатларингизни олиб қўймасам бўлмайди.

— Нима бизни қочиб кетади, деб ўйлаяпсизми?

— Бунақаси кўп бўлган. Айримлар эрталаб туриб, ҳақини тўламасдан жуфтакни ростлаб қолишган.

— Биз ҳужжатни гаровга беролмаймиз. Хотиржам бўлинг, эрталаб кетаётганимизда пулини албатта оласиз, — дедим сахарлик вақти бўлиб қолганлигини тушунтириб.

Эрталаб сиҳатгоҳдан чиқиб кетаётиб субҳда олдимизга келган аёлни ўзимиз қидириб топдик. Ундан қанча пул беришимиз лозимлигини сўраган эдим аёл:

— Киши бошига уч минг сўмдан берсангиз бўлади, — деди-да ҳужжатларимиз асосида ёзилган квитанцияни қўлимизга тутқазди.

Квитанцияни олдиму ҳайрон бўлиб қолдим. Ундаги муҳр яримта. Бунинг устига қайси ташкилотнинг муҳри эканлигини ўқиб бўлмайди. Қизиғи шундаки, унда бизлардан киши бошига нима учун уч минг олинганлиги кўрсатилмаган. Назорат-касса аппарати эса йўқ.

Мен аёлдан ким бўлиб ишлашини сўрадим. Аёл тайинли жавоб айта олмади. Ундан қайси хизматлар учун уч минг сўм олаётганини исботловчи калькуляцияни сўраган эдим у елка қисишдан нарига ўтмади. Сўнг биз бошлиқни сўрадик. У қаёққадир қўнғироқ қилган эди, бир йигит келдида, ўзини Баҳромжон Юлдошев деб таништирди.

Ундан бу ерда бир кеча ётиш ва қандай хизматлар учун уч минг сўм олинаётганини сўраган эдик, тайинли гап айтолмади.

— Маъмур ҳам, бухгалтер ҳам опам бўладилар. Улар келиб қолишлари керак. Ҳамма ҳужжатлар уларда. Аммо келмай қолишлари ҳам мумкин. Сиздан пул сўраган аёл қариндошимиз бўлади. Фаррош бўлиб ишлайди, —деди.

Сиҳатгоҳда, яъни, биз ётган меҳмонхонада иш вақти эрталаб соат тўққизда бошланиши керак экан. Аммо биз бу ерда ўн бир яримга қадар бўлсакда на маъмур, на шифокорлар, на хизматчилар келишди. Боз устига бирорта беморни ҳам, меҳмонни ҳам учратмадик. Тавба, бу ер сиҳатгоҳми, меҳмонхонами?! Хуллас савол кўпу, жавоб йўқ.

Биз сиҳатгоҳ йўлағида туриб ногаҳон бу ерда даволаниш учун бир кеча-кундуз мобайнида олинадиган ҳақ ёзиб қўйилганлигини кўриб қолдик. Унда қайд этилишича, бемор бу ерда даволангани учун овқат, дори-дармон ва турли муолажалар, хизматлар учун 3 минг сўм тўлаши лозим экан. Ана шунда фаррош аёл тушмагур бизни меҳмонхонада дам олувчи эмас, сиҳатгоҳда даволанувчи деб уч минг сўмдан сўраганини тушунгандек бўлдик.

Бироқ назорат-касса аппаратисиз, белгиланган тартиб-қоидага тўғри келмайдиган квитанция бериб, ҳақ олишига тушуна олмадик. Бунақада мижозлар тўлаган пуллар банкка эмас, айримларнинг чўнтагига тушишини солиқчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билишармикан?

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

**Шу кунларда Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли ширкат хўжалиги пахта далаларида бўлган кишининг ҳаваси келади. Кафтдек текис майдонларда гўё оқ чойшаб тўшалгандек. Белларига этак тақиб олган қиз-жувонларнинг шодон кулгилари поёнсиз пахтазорга ўзгача файз бахшида этмоқда. Уларнинг ҳар бири чаноқдаги момиқларни чаққонлик билан теришини айтмайсизми.**

# ЭЛ ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ширкат хўжалиги раиси Раҳматулла Маманов билан теримчиларнинг ҳаракатларини ҳавас билан кузатдик. Ғўзалардаги чаноқларда пахталар кўпириб турганидан теримчилар бир пастда этакларини тўлдириб олишяпти.

— Сиз кўриб турган пахтазор, — дейди раис Раҳматулла Маманов, — бош пудратчи Нажим Мавлонов бошлиқ жамоага тегишли. Нажим ака узоқ йиллардан буён пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилади. Мен бу хўжаликка раис бўлмасимдан аввал у кишининг довруғи ҳақида эшитган эдим. Бирга ишлаб танти деҳқон эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Раис пешқадам бригадир ҳақида ҳикоясини давом эттириб турганда ўрта бўйли, қора мағиздан келган бир киши олдимизга келди.

— Нажим ака деганимиз шу киши бўлади, — таништирди раис, сўнг Нажим аканинг қадоқ қўлларини маҳкам қисиб: "ғалаба муборак" бригадир бува, — деди.

Раиснинг табригидан Нажим аканинг чеҳраси янада ёришди.

— Бу сизнинг ҳам ғалабангиз раис бува — деди бригадир — ғўзамиз серҳосил бўлгунча бизга мадад бўлдингиз. Деҳқонларимизни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаб турдингиз. Ерларимиз ўғитдан, ғўзаларимиз сувдан тўла-тўкис қоникди. Техникаларимизни тинимсиз ишлатилишида сизнинг ҳам ҳиссангиз катта.

Дарвоқе, Нажим аканинг гапида жон бор. Ҳар қандай бригадага хўжалик бошқаруви томонидан ғамхўрлик кўрсатилса, деҳқонларга шарт-шароит яратилсагина меҳнатда унум бўлади. Раҳматулла хўжаликка шу йилнинг эрта баҳорида раис бўлиб келди. Ана шу қисқа вақтда хўжалик пахтакорлари билан тил топишди. Жорий йилда юксак "оқ олтин" хирмонининг яратилиши учун асосий эътиборни техника кучига қаратди. Хўжаликлардаги мавжуд 39 та техника ва транспортларни тўла-тўкис таъмирдан чиқариб ишга туширди. 110 гектар майдондаги ниҳолларни тўлиқ сақлаб қолиш, ҳосилдорликни кўпайтириш учун ўз вақтида маҳаллий ўғит ва дориларни пахтакорларга етказиб бериш чора-тадбирларини кўрди.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Раҳматулла Мамановнинг ана шундай саъйҳаракати туфайли барча пудратчилар далаларда ҳосилни мўл етиштиришди, йиғим-терим мавсуми, қизғин бошланди. Жамоа аъзолари 59 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан биринчи нав уруғлик ҳосили олиб, белгиланган режани 29 иш кунида бажаришга муваффақ бўлдилар. Бригада далаларида ҳали ҳосил мўл. Азаматлар гектаридан яна 10 центнердан қўшимча хирмон яратиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шунингдек, Саидаҳмад Худойбердиев, Акбар Хушвақтов, Носир Холмонов бош пудратчи бўлган жамоалар ҳам мавжуд майдонларининг ҳар гектаридан 30 центнердан "оқ олтин" хирмонлари яратишди. Айни кунларда улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

— Йиғим-теримга мингдан зиёд киши жалб этилган, — деди Раҳматула Маманов,- эл хирмонига кунига қарийб 200 тонна биринчи нав ҳосили топширилаяпти. Ҳар беш кунда теримчиларнинг меҳнат ҳақлари бериб борилаётир. Бу йилги режамиз 2500 тонна "оқ олтин" хирмонини бунёд этиш эди. Кўзланган маррага етдик. Эришган ютуғимизда Неъмат Раҳмонов, Раҳматулла Тойиров, Ўлмас Усмонов сингари хўжалик фаоллариинг хизматлари беқиёсдир.

Хўжалик пахтакорлари кўзланган маррани эгаллашларига асло шубҳа йўқ. Чунки далалардаги жўшқин меҳнат фикримизнинг исботидир.

Яна шуни айтиш жоизки, бу йил бошқа соҳаларда ҳам мисли кўрилмаган натижага эришилди. 600 гектар майдондан 2400 тонна дон йиғиштириб олинди. Шунинг 1400 тоннаси давлатга топширилиб, 850 тоннаси хўжалик деҳқонларига тақсимлаб берилди.

**Раҳматулла Мамановнинг ниятлари улуғ. Обод маҳалла йилида Жонкел, Қирғиз маҳаллаларида хўжалик ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари биноларини бунёд этмоқчи... Янги раиснинг пойқадами қутлуғ келгани рост бўлсин!**

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

# ДУНЁ ТАЖРИБАСИ: СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

латнинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга доир чора-тадбирлари ёки "сайлов қонунларининг амалда"ги фаолиятидир. Сайлов кампанияси эса, бу —сайловларнинг бевосита иштирокчилари ва сайловларда ўзаро мухолифат бўлган томонлар (партиялар, турли жамоат ташкилотлари, номзодларнинг ўзаро) ҳаракатидир. Бундан ташқари сайлов тартиботи ташкилий қоидалар мажмуаси сифатида анча узоқ вақт давомида ўзгармасдан сақланиши, бу давр ичида бир нечта сайлов кампаниялари бўлиб ўтиши ҳам мумкин. Сайлов тартиботи — сайлов кампаниясини ҳар жиҳатдан мувофиқлаштириб туради.

Сайлов тартиботи сайловларни тайинлаш, сайлов округларини тузиш, уларни ўтказиш бўйича масъуллар, сайлов округлари, туманлар ва участкаларни ташкиллаштириш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайловларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни белгилаш, сайлов даврида тартиботни сақлаш, овоз бериш натижалари кабиларни ўз ичига олади. Сайлов кампанияси мухолиф сиёсий кучларга номзодларни илгари суриш, улар учун тарғибот олиб бориш ва бошқа масалаларни кўзда тутади. Сайлов кампанияси тушунчаси билан бирга, айни вақтда сайловолди тушунчаси ишлатиладики, юқорида баён этилганлардан уни маъносини аниқлаш мумкин.

Сайловолди кампанияси расмий равишда сайлов кунларини тайинлащдан кейин бошланади ва сайлов кунигача давом этади. Сайлов кунини тайинлаш, одатда, давлат томонидан амалга оширилади. Амалда сайлов кампанияси ўз ҳаракатини сайлов ўтказиш тўғрисидаги истак маълум бўлиши биланоқ мазкур кампанияга расмий киришишдан анча олдин бошлайди.

Сайловлардаги курашлар тоталитар жамиятдан фарқли ўлароқ, демократик жамиятда сиёсий партия фаолиятининг асосий кураш майдони ҳисобланади. Ҳар бир партия ўз электоратини кенгайтиришга интилади. Электорат (лотинча **"Lektor"** — сайловчи маъносини билдиради), сайловларда у ёки бу партияга овоз берадиган сайловчилар контингентидир. Масалан, социал-демократик партиялар электоратини асосан ишчилар, зиёлилар, хизматчилар, майда мулкдорлар ташкил этади. АҚШ демократик партияси электоратига одатда кўпроқ мамлакатнинг рангли аҳолиси киради. Сайловлардан сайловларгача у ёки бу партия электорати сон ва сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб туради. Масалан, Буюк Британияда лейбористлар партияси либераллар партиясини икки партияли тизимдан сиқиб чиқарганларидан кейин, лейбористлар электорати либераллар электорати ҳисобидан сезиларли даражада кўпайди.

Янги сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар пайдо бўлиши кузатилаётган ҳозирги дунё давлатларида давом этаётган ижтимоий дифференциация жараёнлари ҳисобига сайлов блоклари ва иттифоқларини тузиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда. Чунки бирорта сиёсий партия якка ҳолатда ғалаба қилиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда бу партия жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга мойил бўлади ва сайловолди кураш жараёнида биргаликдаги ҳаракат қилишнинг умумий мақсадларига эришишга интилади, энг асосийси, партия сайловларда ютиб чиқиш учун сайлов блокларига бирлашади. Шунингдек, бир-бирига яқин бўлган партиялар номзоди ғалабасини таъминлаш учун сиёсий блоклар ва иттифоқларни ташкил этади.

Бундан ташқари, блоклар ва иттифоқлар ташкил этиш учун бошқа омиллар, яъни партия ёки блокнинг молиявий имкониятлари яхши бўлиши лозим бўлади. Дарҳақиқат, бу омил сайловолди тарғиботини кенг ёйилишига имкон яратади, шунингдек, сайловчилар ўртасида обрўга эга бўлган партия томонидан кўрсатилган номзодлар имиджини (инглиз image-қиёфа) яратиш унинг асосий мақсадига айланади.

Сайловчилар ҳамда сайлов ўтказилишида ўз номзодини кўрсатган гуруҳ ва мазкур номзодга "панадан" қўллаб-қувватлаб турувчи, таъсир кўрсатувчи шахслар номзодга нисбатан беихтиёр қуйидаги талабларни қўядилар: аниқ чегараланган сайлов ҳудуди сайловчилари учун таниқли бўлиш; касбий билимдонлик маҳорати; нотиқлик кўникмаларини эгаллаганлиги; жисмоний ва психологик жиҳатлардан сайловлар даврида таъсир ва тазйиқларга чидамли бўлиши; табиатан яхши соғлиққа эга бўлиши; вазият ўзгарганда тез мўлжал олиш қобилиятига эга бўлиш; ўз ҳис, эҳтиросларини бошқара олиши; телекамера ва микрофон олдида ўзини табиий тута билиши; баҳслашиш, мунозара қилиш кўникмаларини эгаллаганлиги; бошқалар фикрини эшита билиш ва чидамли бўлиш; актёрлик қобилиятига эга бўлиш; гуруҳ таркибида лидер ёки етакчи даражасида бўла олиш қобилияти; сайловолди учрашувларида турли хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга ола билиш қобилияти.

Шу билан бирга, номзодни тарғиб қиладиган малакали гуруҳнинг фаолияти сайлов кампаниясининг асосий унсури бўлиб хизмат қилади. У ёки бу сайлов жараёнида маълум бир мақсадли ғалабага эришишни албатта малакали гуруҳ амалга оширади. Малакали гуруҳга қуйидаги асосий талаблар қўйилади: муваффақият қозонишга ишонч; конкрет масалани бажаришда касбий маҳорат ва компетентлик; бошқа гуруҳ аъзоларининг психологик ҳолатига мослаша олиш; қаттиқ ижро интизоми талабларига риоя қилиш; ҳаракат ва фаолиятларни тартибга солиш; мураккаб вазифаларни бажариш йўналишида заҳира кучларга эга бўлиш.

Шунингдек, сайлов кампанияси даражаларини тўртта поғонага бўлиш мумкин:

1) маҳаллий сайловларга номзодлик гуруҳи;
2) ҳудудий (вилоят) сайловларига номзодлик гуруҳи;
3) миллий давлат даражаси сайловларига номзодлик гуруҳи;
4) олий давлат сайловларига номзодлик гуруҳи.

Сайлов кампаниялари даврида тузиладиган командаларнинг аҳамияти ва хусусияти шундан иборатки, бу пайтда икки ва ундан кўп командалар биргаликдаги фаолиятлари юзага келади. Шунингдек, амалга ошириладиган лойиҳани катта ёки кичиклигига қараб команда аъзолари сони турлича бўлиши мумкин.

Биринчи даража ёки ташкилий гуруҳнинг ўзаги қуйидагича бўлиши кўзда тутилади: координатор (мувофиқлаштирувчи), умумий раҳбарликни амалга оширувчи; координатор ўринбосари; йўналишлар учун масъул ходимлар; техник ходимлар. Координатор ва унинг ўринбосарларига бевосита бўйсунувчи махсус хизматлар бўлиб, улар гуруҳ таркибига кирмаса-да, унинг фаолиятини барқарор ишлашини таъминлаб беради. Улар: ҳисоб-китоб бўлими; хавфсизлик хизмати; ишончли вакиллар хизмати; мустақил экспертлар хизмати; бошқа мутахассислар (ҳуқуқшунос, тиббиий ходим, суратчи ва бошқалар).

Иккинчи даража аниқ масалалар юзасидан фаолият олиб борувчи мутахассислар (масалан: матбуот маркази, оммавий ахборот воситаларида рекламалар эълон қилиш)дан иборат бўлади.

Учинчи даражага кундалик топшириқларни бажарувчи ходимлар (масалан, сайловолди тарғиботини олиб борувчилар, кўргазмали воситалар ва маълумот ёйишга доир тарғиботчилар, аниқ тарғибот материаллари ишлаб чиқувчи муаллифлар) киради.

Биринчи ва иккинчи даража мутахассисларларига доимий равишда ҳақ тўланиш расм бўлган бўлса, учинчи даражадаги ходимлар кўпроқ ихтиёрий равишда фаолият юритувчи кўнгиллилардан иборат бўлади. Илғор хорижий мамлакатларда, биринчи навбатда АҚШ ва Ғарбий Европадаги бу каби кўнгиллилар умумий гуруҳдаги хизматчиларнинг деярли 50 фоизини ташкил этади. Сайлов кампаниясининг энг юқори чўққиси сайловлар куни ҳисобланади. Лекин эҳтиросли сайловолди курашларидан фарқли ўлароқ, овоз бериш тартиби ёпиқ ҳолатда амалга оширилади. Шунинг учун биз у ҳақда сайлов қонуни ёки тартиби бузилганида ёки тартибсизликлар келиб чиққандагина матбуотдан биламиз.

Фуқаролик жамияти шаклланиб бориши ва фуқаролар ҳуқуқий онгининг ўсиб бориши ва ҳуқуқий институтларнинг такомиллашиб бориши билан овоз беришнинг бундай тарзи фақат айрим қолоқ давлатларда сақланиб қолган, холос. Ҳозирги замон давлатларида овоз бериш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, балки фуқаролик мажбурияти ҳамдир. Баъзи мамлакатларда сайловда қатнашмаганлик учун ҳам жазо чоралари белгиланган. Масалан, Белгия, Нидерландия, Австралия каби мамлакатларда жарима тўланади. Покистонда эса, ҳаттоки, қамоқ жазоси ҳам қўлланилади. Айрим мамлакатларда "тўполонларнинг олдини олиш" мақсадларида овоз бериш учун ҳар бир сайлов округи бўйича кўрсатилган номзодларнинг сони анча чегараланган.

Масалан, Буюк Британияда сайлов округларидаги номзодлар сони бештадан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, ҳар бир номзод анча катта миқдордаги пул кафолатини тўлаши талаб этилади. Агар у умумий берилган овозлардан беш фоизидан кам овоз олса, бу пул қайтариб берилмайди.

Партиялар учун камида сайловчиларнинг 5 фоиз овозини олишга доир чеклашлар кўп мамлакатлар жумладан, Россия қонунларида учрайди. Кўп мамлакатларда сайлов кунидан бир кун олдин сайловолди ташвиқоти олиб бориш таъқиқланади. Бу қоида, албатта, сайловчи тинч ҳолатда кимга овоз беришини чамалаб кўриши ва ким учун овоз беришни ўзи ҳал қилиши учун қўлланилади. Сайлов кампанияси овозларни ҳисоблаш, сайлов якунларини аниқлаш ва уни эълон қилиш билан якунланади.

Овоз бериш якунлари бўйича сайловлар натижаларини аниқлаш асосан иккита катта сайлов тизими асосида кечади: пропорционал ва можаритор тизимларида. Можаритар тизимда номзод ёки номзодлар рўйхати қонунда белгиланганидек, энг кўп овоз олгандагина у ёки бу сайланадиган вакиллик органига сайланган, деб ҳисобланиши билан тавсифланади. Кўпчилик овоз олиш ҳам ҳар хил бўлади. Мутлақ кўпчиликни (50 фоиз +1 овоз) талаб этувчи сайлов тизимлари ҳам учрайди. Бундай тизим, жумладан, Австралияда амал қилади. Можаритар тизимдаги сайловларда ўз рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олиш номзоднинг ғалаба қилганлигини билдиради. Уни "маррага биринчи келганлар тизими" деб ҳам аташади. Ҳозирги вақтда бундай тизим АҚШ, Канада, Буюк Британия, Янги Зелландия каби мамлакатларда қўлланилади. Баъзан можаритор тизимнинг икки хил кўриниши ҳам қўлланилади. Масалан, Францияда парламентга депутатлар сайлашнинг биринчи босқичида мутлақ кўпчиликнинг овоз олиш тизими қўлланилса, иккинчи босқичда эса нисбатан кўпчиликнинг овоз олиш тизими қўлланилади.

Сайловнинг пропорционал тизимида берилган овозларнинг миқдоридан келиб чиқиб, барча мандатларнинг ана шу берилган овозлар ўртасида аниқ пропорционал тақсимланиши рўй беради. Бу тизим ҳозирги замонда анча кенг тарқалган. Масалан, Ғарбий Европа, Япония, Лотин Америкаси мамлакатларида сайловлар кўпинча пропорционал тизимда ўтказилади. Шунингдек, бу тизим Бельгия, Швеция ва бошқа кўп мамлакатлар учун ҳам хосдир.

Пропорционал тизим икки хил кўринишга эга:

а) умумдавлат даражасидаги пропорционал сайлов тизими (сайловчилар бутун мамлакат доирасида сиёсий партиялар учун овоз берадилар, унда сайлов округлари белгиланмайди).

б) кўп мандатли округларга асосланган пропорционал сайлов тизими (депутатлик мандатлари партияларнинг сайлов округларига нисбатан таъсири асосида тақсимланади).

Можаритар тизимнинг ижобий хусусиятлари шундаки, унда самарали ишловчи ва барқарор ҳукуматни шакллантириш имконияти борлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, у катта ва яхши ташкиллаштирилган партиялар учун сайловларни муваффақиятли ўтказиш имкониятини беради.

Можаритар тизимнинг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат:

1. Сайловчиларнинг кўпчилик қисми (баъзан 50 фоизга яқин) ҳокимият органларида ўз вакилларига эга бўлмай қоладилар.

2. Сайловларда ўз рақибига нисбатан кам овоз олган партия парламентда кўпчилик депутатлик ўринларга эга бўлиши мумкин.

3. Сайловларда бир хил ёки бир-бирига яқин миқдорда овоз олган иккита партия ҳокимият органида бир хил бўлмаган миқдордаги номзодлар сайланишига эришадилар. (Баъзан рақибидан кўра кўп овоз олган партия битта ҳам мандатга эга бўлмаслигини ҳам кузатиш мумкин). Шундай қилиб, можаритар тизим бирон-бир партия ёки блокка вакиллик органларида кўпчилик овозларни ва мандатларни олишга ёрдам беради.

Пропорционал тизимнинг устун томонлари тўғрисида қуйидагиларни айтиш мумкин: унинг ёрдамида жамият сиёсий ҳаётидаги сиёсий кучлар жойлашишининг реал ва аниқ манзараларини кўриш мумкин. У фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийликнинг ривожланишини, шунингдек, давлат билан фуқаролар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаб беради.

Пропорционал тизимнинг асосий камчиликлари эса қуйидагича:

1. Ҳукуматни шакллантиришда мураккабликлар юзага келади. (Сабаби: бирон-бир устунлик қиладиган партиянинг йўқлиги, ҳар хил мақсад ва муддаолардаги партияларнинг кўппартиявийлик асосидаги коалициясини тузишга мажбур бўлиш, бу эса ҳукумат беқарорлигини келтириб чиқариши);

2. Овозларнинг аниқ номзодларга эмас, балки партияларга берилиши, партиялар билан депутатлар ўртасидаги алоқанинг сустлиги;

3. Депутатларнинг ўз партияларига анча боғлиқ бўлиб қолишлари (бу каби эркинликнинг чегараланиши парламентда қонунлар ва муҳим ҳужжатлар қабул қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин).

Сайлов тизими ўз тараққиёти ва ривожланиш йўлида катта жараёнларни босиб ўтиб, бой тажрибалар тўплади. Бу жараёнлар давомида (айниқса, урушдан кейинги даврда) аралаш сайлов тизимлари шакллана бошлади. Шунингдек, можаритар ва пропорционал тизимларнинг яхши томонлари бир-бири билан уйғунлаша бошлади. Аралаш тизим доирасида маълум бир қисм депутатлик мандатлари можаритар тамойиллар асосида тақсимланиши, қолган қисм мандатлар эса пропорционал тизим асосида тақсимланиши расм бўлди. Сайлов тизимини демократлаштириш ва такомиллаштиришда шу аралаш тизим сиёсий барқарорликка эришиш йўлидаги энг самарали йўл эканлигини тажрибалар кўрсатди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мамлакатнинг асосий стратегик мақсади сифатида эълон қилиниши билан жамиятда кўппартиявийликни қарор топтириш, демократик сайловлар тизимини ислоҳ этишга доир ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, жамият сиёсий соҳаси ва давлат қурилишини эркинлаштиришга доир ислоҳотларнинг бошланиши. "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" концептуал сиёсий дастурни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида демократик тамойиллар янада ривожланмоқда. Айниқса, мамлакатда икки палатали парламентни шакллантиришга доир ислоҳотларнинг бошланиши билан сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасини шакллантиришдаги ўрнининг юксалиши, маҳаллий вакиллик органларидан кейинги сайловларда мазкур палата депутатлигига номзодлар кўрсатиш ваколати олиб қўйилиши каби ҳуқуқий ўзгаришлар мамлакат сайлов тизимини демократлаштиришдаги муҳим босқичлардан биридир. Айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрири) қонуннинг қабул қилиниши билан замонавий сайлов тизимини шакллантириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Мазкур қонуннинг 1-моддаси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида қуйидагича ифодаланди: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади". Шунингдек, қонуннинг бошқа моддаларида мамлакатда сайловларнинг можаритар тизимда амалга оширилишига доир қоидалар ифодаланган.

**Ўзбекистонда парламентнинг юқори палатаси — Сенатни шакллантиришда маҳаллий вакиллик органларига Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ваколатлари берилиши билан минтақавий ва ҳудудий манфаатларнинг қабул қилинаётган қонунларда ифодаланиши юзага келмоқда. Шу билан бирга маҳаллий халқ депутатларининг Сенат аъзоларини сайлашда бевосита иштирок этиши вакиллик демократияси шаклланишига имкониятлар яратади.**

Бироқ бу соҳада демократик ўзгаришлар натижаларини мустаҳкамлаш учун сиёсий партияларнинг давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимиятидан мутлақо мустақиллигини таъминлаш, фаолият юритиши учун молиявий кафолатларни яратиш, партия етакчилари ва "функционерлари"ни шакллантириш, уларни сайлашнинг демократик қадриятлар талаблари даражасидаги тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш каби қоидалар талаб этилади.

Сиёсий партиялар ва сайловларни демократик қадриятлар асосида шакллантиришнинг яна муҳим шартларидан бири, бу — фуқаролар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишдир. Бу соҳада эски тоталитар жамият асоратларидан покланиш, фуқароларни патерналистик ва тобелик сиёсий маданият исканжасига тушиб қолмаслиги учун шарт-шароитлар яратиш, янги, эркинлаштириш мафкураси асосидаги плюралистик ва демократик сиёсий маданиятни шакллантиришга доир ислоҳотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш ана шу шартга амал қилишнинг гаровидир.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ.**

